

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ – ФИДОЙИЛАРНИ ЭСЛАШ, УЛАРГА МИННАТДОРЧИЛИК ТУЙЎСУДИР

Ҳақлиев В.Б.

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ 2-сон Тошкент Академик лицей катта
ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди, доцент*

Аннотация: Ушбу мақолада хотира ва қадрлашнинг Янги Ўзбекистонни барпо этишдаги ўрни ва аҳамияти, миллий қадриятларни асраш, аجدодлар меросини улуғлаш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Аннотация: В данной статье рассматриваются роль и значение памяти и уважения в построении Нового Узбекистана, сохранении национальных ценностей, почитании наследия предков, а также в воспитании молодого поколения в духе патриотизма.

Annotation: This article discusses the role and significance of memory and appreciation in building New Uzbekistan, preserving national values, honoring the heritage of ancestors, and fostering patriotism among the younger generation.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни, Иккинчи жаҳон уруши, мардлик ва жасорат, фашизм балоси, қаҳрамон ота-боболаримиз, фронт орти, машаққатли меҳнат, ғалаба, қадрлаш, 1999 йил 9-май, Хотира майдони, ёдгорлик.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, 9 Мая – День памяти и почестей, Вторая мировая война, мужество и героизм, бедствие фашизма, наши героические предки, тыл фронта, самоотверженный труд, победа, почитание, 9 мая 1999 года, Площадь Памяти, мемориал.

Keywords: New Uzbekistan, May 9 – Day of Remembrance and Honor, the Second World War, courage and bravery, the scourge of fascism, our heroic ancestors, the home front, arduous labor, victory, commemoration, May 9, 1999, Memory Square, memorial.

Янги Ўзбекистон барпо этиш йўлидан дадил қадам ташлаб бораётган мамлакатимизда бир неча йиллардан буён 9 май – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалаба кўп миллатли халқимиз томонидан кенг нишонланиб келмоқда.

Хотира ва қадрлаш кунида 2-жаҳон урушида мардлик ва жасорат кўрсатиб, дунёни фашизм балосидан сақлашга катта ҳисса қўшган қаҳрамон ота-боболаримиз шунингдек фронт ортида машаққатли меҳнат қилган, ғалабага муносиб ҳисса қўшган ватандошларимиз хотираси юксак даражада қадрланиб келмоқда.

Шунинг учун ҳам 1999 йилнинг 9-май кунида Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида Мустақиллик майдони яқинида Хотира майдони очилди. Мустақиллик туфайли кенг кўламли қайта ишлангандан сўнг ёдгорлик ўзининг замонавий қиёфасини олган. Ёдгорликнинг маркази хайкалтарош Илҳом Жабборов томонидан яратилган „Мотамсаро она“ ҳайкали ҳисобланади. Хиёбоннинг узунлиги 60 метр бўлиб, айвонлар қад кўтарган, айвонлар токчаларига ўрнатилган металл тахталарга Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонлик барча жангчиларнинг исм шарифи битилган.

Мажмуани бунёд этишда ва ўймакорлик билан жозибадор безашда қуйидаги усталар: Абдуғани Абдуллаев (Қўқон), Ҳайитмат Боғбеков (Хоразм), Ҳасан Одилов, Сирожиддин Раҳматуллаев (Тошкент), Насрулло Соҳибназаров (Самарқанд), Й.Тўлаганов (Андижон) шогирдлари билан биргаликда қатнашган (худди шундай меъморий иншоотлар республика вилоятларининг марказларида ҳам бунёд этилган).¹

Ушбу сана 1999-йил 2-мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-2243-сонли фармони билан белгиланган ва шундан бошлаб 9-май Хотира ва қадрлаш куни деб нишонланмоқда.

Хотира нима? Хотира – арабча сўздан олинган бўлиб, фикр, тафаккур, ғоя, хаёл каби маъноларни англатади.

- 1) бирор киши ёки нарса ҳақидаги ёдда, эсда сақланган таассурот;
- 2) эсдалик, ёдгорлик;
- 3) хотин-қизлар исми.

Кишининг бошқа одам ёки нарса ҳақидаги бирор таассуротни эсда сақлаш, эслаб қолиш қобилиятига хотира дейилади.

Хотира – инъикос² этилган нарса ва ҳодисаларни ёки ўтмиш тажрибаларни эсда қолдириш ва зарур бўлганда тиклашдан иборат психик жараён. У нерв системаси хусусиятларидан бири бўлиб, ташқи олам воқеалари ва организм реакциялари ҳақидаги ахборотни узоқ сақлаш ҳамда уни онг фаолиятида ва хулқ, хатти-ҳаракат доирасида такрор тиклаш қобилиятида намоён бўлади.

Хотира ҳақидаги дастлабки илмий қарашлар Шарқ мутафаккирлари ва юнон файласуфлари (Аристотел ва бошқалар)да учрайди. Хусусан, Форобий хотирага билишдаги ақлий жараённинг таркибий қисми

¹ <https://uz.advisor.travel/poi/Xotira-va-qadrlash-maydoni-30027>

² Obyektiv voqelikning, borliqning kishi ongida aks etishi, aksi.

сифатида қараб, хотирани фақат инсонга эмас, ҳайвонга ҳам хос хусусият эканини алоҳида таъкидлаган.³

Демак, Хотира орқали инсон ўзлигини англайди. Фидойи инсонларни ёд этиш, уларнинг ҳаёти ва жасоратини билиш тарихга ҳурмат, миллий ғурур ва ўзлигини англаш туйғусини кучайтиради.

Қадрлаш нима?

Қадрлаш — бу кимдир ёки ниманидир ижобий сифатлари, хизматлари ёки ҳис-туйғуларини тан олиш ва ҳурмат қилишдир. Бу инсонни юксакликка кўтаради, унинг фаолиятига, орзу-интилишларига, мақсад-маслакларига олижаноблик бағишлайди. **Қадрлаш** - обрў-эътиборига, қадр – қимматига яраша иззат-ҳурмат кўрсатмоқ.⁴

Қадрлаш – миннатдорликнинг амалий ифодаси. Фидойиларнинг меҳнатини қадрлаш, уларнинг изидан бориш – бу миннатдор авлоднинг бурчидир. Қадрлаш инсоний фазилатларнинг энг юксак кўринишидир.

Фидойиларни ёд этиш, уларнинг жасоратини қадрлаш – миннатдорлик ва инсоний бурч эканини англайдилар. Масалан, ўтганларни эслаш, уларнинг хизматини қадрлаш, Ватан учун жон берганларни ёд этиш ва ҳоказо. Ҳар бир халқнинг буюклиги – ўз тарихини, фидойиларини унутмаслигидадир. Айнан шу сабабли ҳам Ўзбекистонда 9-май куни “Хотира ва қадрлаш куни” сифатида нишонланади. Инсон қадри – хотира ва қадрлаш туйғуси давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Шунинг учун ҳам Юртимиз тинчлиги йўлида жонини фидо қилганлар, уруш фахрийлари ва кексалар Президентимизнинг доимий эътиборидадир.

Давлат раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисидаги фармон ва қарорлари иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур фармон ва қарорларга мувофиқ барча шаҳар ва туманларимизда, қишлоқ ва маҳаллаларимизда уруш қатнашчилари ва ногиронларига мунтазам юбилей медаллари ва пул мукофотлари тантанали равишда топширилади.

Тинчлик даврида мамлакат чегараларини кўриқлашда, мустақилликни ва халқ осойишталигини ҳимоя қилишда ҳалок бўлган ҳарбийлар, ички ишлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳам миллат фидойиларининг замонавий тимсоли ҳисобланади. Уларнинг фаолияти доимий хавф ва таҳдид шароитида кечади, бунда шахсий ҳаёт ва хавфсизлик масалалари кўпинча иккинчи ўринга сурилади.

³ Қаранг: <https://uz.wikipedia.org/w/index.php?title=Xotira&variant=uz-cyrl>

⁴ <https://ziyouz.uz/durdona-toplamlar/uzbek-tilining-izohli-lugati/>

Тарихий маълумотларга кўра, Ўзбекистон ҳудудидан 1,9 миллиондан ортиқ инсон урушга сафарбар этилган. Уларнинг кўпчилиги жанг майдонларида ҳалок бўлган бўлса-да, жасорати ва қаҳрамонлиги бугунги кунгача халқ хотирасида сақланиб келмоқда.

Иккинчи жаҳон урушида ўша даврда 6,8 миллион аҳолига эга Ўзбекистондан 1 миллион 950 минг нафар киши қатнашган. Уларнинг ярим миллиондан ортиғи ҳалок бўлган, 158 мингдан зиёд киши бедарак йўқолган, 60 мингдан ортиқ юртдошларимиз урушдан ногирон бўлиб қайтган. Президент уруш йилларида Ўзбекистон фронт ортидаги муҳим таянчга айлангани, республика 1,5 миллиондан зиёд эвакуация қилинган инсонни, жумладан, 250 минг нафар етим болани қабул қилганини таъкидлади.⁵

Фронтда жанг қилган юртдошларимиз Ватан ҳимояси йўлида жонларини аямаганлар. Улар орасида кўплаб қаҳрамонлар етишиб чиққан бўлиб, уларнинг жасорати бутун дунёда эътироф этилган. Масалан, Собир Раҳимов, Раҳимбой Арслонов, Турсун Хидиров, Нурум Сидиқов, Мамадали Мадаминов, Абдулла Тагаев, Зебохон Ғаниева каби юртдошларимиз ўзининг ҳарбий маҳорати ва жасорати билан ажралиб турган. Юртимизда уларнинг жасорати ва умуман уруш йилларидаги ўзбек халқининг ҳаёти ва фидойилигини акс эттирувчи бир маскан барпо этилди. Унинг номи “Ғалаба боғи” дир. Лекин бу бошқа боғлар каби кўнгилочар маскан эмас, балки кўнгилни титратувчи ва юмшатувчи жойдир.

Уруш йилларида Ўзбекистонда қолган аҳоли – аёллар, кексалар ва болалар – завод ва фабрикаларда, далаларда кеча-ю кундуз меҳнат қилган. Улар аскарлар учун озиқ-овқат етиштирган, кийим-кечак, қурол-аслаҳа ишлаб чиқарган, ярадорларга ёрдам кўрсатган. Бу меҳнат ҳам аслида фидойиликнинг бир кўриниши бўлиб, фронтдаги ғалабани таъминлашда муҳим омил эди.

Уруш даврида яна бир юксак инсоний фазилят – меҳр-оқибат ва инсонпарварлик намоён бўлган. Ўзбекистон ҳудудига урушдан зарар кўрган минглаб етим болалар олиб келинган. Уларни ўз бағрига олиб, тарбиялаган инсонлар ҳам ҳақиқий миллат фидойиларидир. Жумладан, темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг турмуш ўртоғи Баҳри ая оддий инсонлар бўлишига қарамай, кўплаб етим болаларни ўз фарзандидек тарбиялаган. Шомаҳмудовлар – инсонпарварликнинг юксак намунасини кўрсатган оила. Улар турли миллат вакиллари бўлган 14 нафар болани ўз тарбияларига олган. Шомаҳмудовлар чинакам инсонпарварликни улуғловчи оила сифатида катта жасорат, қаҳрамонлик кўрсатишди. Уларнинг бу

⁵ <https://www.gazeta.uz/uz>

инсонпарварлик ишлари бутун дунёда ҳурмат билан тилга олинади. Уруш йилларида ўзбек оилалари жами 4,5 минг нафардан зиёд етим болаларни асраб олишган. Шомаҳмудовлар сингари самарқандлик Самадовлар 13 нафар, Қосимовлар эса 10 нафар болани парваришлаб ўстирганлар. Бу каби мисоллар шуни кўрсатадики, фидойилик фақат жанг майдонида эмас, балки тинч меҳнатда, инсонларга ёрдам беришда, меҳр кўрсатишда ҳам намоён бўлади. Масалан 2026 йилда байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 30 миллион сўмдан пул мукофоти берилган. Шунингдек, уларни даволаш ва дам олдириш бўйича имтиёзли тизим амал қилиб келмоқда.

Мудофаа вазирлиги маълумотида кўра, Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган 60 нафар фахрий истиқомат қилмоқда. 2026 йил 6 май ҳолатига кўра Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган фахрийлар сони 60 нафарни ташкил этди. Бу ҳақда Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати маълум қилди.

Шулардан 14 нафари Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, 14 нафари уруш қатнашчилари, 13 нафари Ленинград қамали қатнашчилари ва 19 нафари концлагер тутқунларидир.

Худудлар кесимида энг кўп фахрий Тошкент шаҳрида истиқомат қилади – 28 нафар. Тошкент вилоятида 11 нафар, Фарғона вилоятида 5 нафар фахрий бор.

Андижон, Бухоро ва Хоразм вилоятларида 3 нафардан, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида 2 нафардан фахрий истиқомат қилади. Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида эса 1 нафардан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ёки унга тенглаштирилган фахрий бор.

Маълумот учун, 2025 йилда Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган фахрийлар сони 82 нафарни ташкил қилган эди.

Уруш даврида жуда қисқа муддатда республикада 280 та янги корхона барпо этилган, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.⁶

Иккинчи жаҳон уруши даврида халқимиз томонидан кўрсатилган жасорат ва фидойилик – бу нафақат тарихий воқеа, балки катта ибрат мактабидир. Фронтдаги жангчилар, фронт ортида меҳнат қилган инсонлар ва етим болаларни асраб олган оилалар – барчаси миллат фидойилигининг ёрқин намунасидир.

⁶ <https://sputniknews.uz/>

Шуни унутмайликки, ҳақиқий қадрлаш бу фақат ҳурмат билан эслаш эмас, балки ўша қадриятларни бугунги ҳаётда давом эттиришдир.